

9-мавзу. Кўчалар ва автомобил йўллари кўкаламзорлаштириш

Режа:

- 1. Йўллари кўкаламзорлаштириш**
- 2. Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш**
- 3. Вертикал кўкаламзорлаштириш**

ЙЎЛЛАРНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ

Автомобил магистралларини кўкаламзорлаштириш: йўлнинг ҳар иккала томонига экиладиган ҳимоя ва манзарали экинзорлар, йўлнинг бўлиш чизиғини (1 тоифали йўлларда) кўкаламзорлаштириш, чорраҳаларни, автобус бекатларини, йўловчи ва ҳайдовчиларнинг узокроқ дам олишга мўлжалланган жойларни кўкаламзорлаштиришни ўз ичига олади.

Кўкаламзорлаштириш асосан йўл бўйи ихотазорлари бўлиб, йўлни емирилишдан сақлайди, ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи қулай иқлим ва гигиеник шароитларини вужудга келтиради.

Ушбу экинзорлар рельефнинг текислик жойларида, қаторлаб экиш йўли билан барпо этилади, қаторлар сони йўл четидаги кенглик билан белгиланади. Қишлоқ хўжалик экинлари чегарасида яратилган кўп қаторли экинзорлар бир вақтнинг ўзида далани ҳимояловчи ихотазорлар бўлиб хизмат қилади.

Йўлнинг тепалик жойли қисмларида асосан дарахт-буталар жойлаштирилади. Қаторли ихотазорлар Ўзбекистоннинг жанубий туманлари йўлларида алоҳида аҳамият касб этади. Лекин, бир хилдаги қатор экинзорлари транспорт ҳайдовчисини толиқтириб қўяди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, қаторли экинлар орасида манзарали дарахтлар гуруҳи, буталар гуруҳи ва уларни аралаш экинзорларини барпо этиш мумкин. Йўлнинг бўлиш қисмида қаторли буталар, буталар гуруҳлари, паст бўйли дарахтлар, гуллар экилади. Уни чегаралаш учун бордюлар, яшил тўсиқлар ёки бетонли деворча барпо этилади. Бўлиниш қисмидаги дарахтлар газонларда (чим устида) экилади.

Автобус бекатларининг орқа томонидан қаторли экинзорлар; бекатнинг иккала томонида эса – дарахт ва буталарнинг алоҳида ёки гуруҳланган экинлари яратилади. Имконияти мавжуд бўлган жойларда, бекат олдида рабаткалар жойлаштирилади. Очиқ ҳудуд бор бўлган жойларда бир ёки бир нечта турлардан кичик дарахзорлар экилади. Бу жойлар дам олиш учун мослаштирилади.

Темир йўллари кўкаламзорлаштириш: кўп қаторли ўрмон экинзорларини яратиш (йўллари қум ва қор кўчкларидан муҳофазалаш мақсадида); темир йўл ёнидаги посёлкаларни кўкаламзорлаштириш яқин жойда жойлашган сув ҳавзалари ва кўллари кўкаламзорлаштириш; темир йўл вокзалларини кўкаламзорлаштиришни ўз ичига олади.

Кўчалар ва йўллар четини кўкаламзорлаштириш алоҳида эътибор талаб қилади. бундай жойларда манзарали дарахтларни жойлаштиришда йўлларнинг ўзига хос хусусиятларини, ҳаракатланиш серкатновлигини, болалар ва даволаш муассасалари, турар жой мавзеларининг қанчалик яқинлигини ҳисобга олиб борилади. яшил ўсимликларни шаҳар ша роитида

жойлаштиришда архитектура курилиш ландшафтининг композицияларини ўрганиб, ўсимликлар дунёсини алоҳида кўринишда ёки гуруҳ ҳолида, кулумбалар ва гулзорлар ҳолида нафис кўринишдаги композициялар барпо этиб, ташриф буюрувчиларнинг кўз нигоҳида ўз кўркини намояна этади.

Кўчаларда экилган дарахтлар, буталар ва гуллар аҳолини қуёшнинг жазирама иссиғидан, шамоллардан, чанг –тўзондан ва шовқинлардан ҳимоя қилади. Кўчалардаги экинзорлар манзарабоп-режавий ахамиятга эга, шунингдек, қисқа вақт дам олишга мўлжалланган. экинзорлар хажми кўчаларнинг кенглигига, йўналишига, пиёдалар ва транспорт қатнови йўналишига кўра, йўлак ва йўлнинг ҳаракатланиш қисми оралиғидаги захира майдонининг энига, ҳамда йўлакдан уйларгача бўлган масофага қараб ўзгаради.

Кўчаларни кўкаламзорлаштиришнинг асосий тури –қаторли экинзорлар бўлиб, улар йўлак билан йўлнинг ҳаракатланиш қисми ўртасида экилади. Улар йўлакнинг ҳар икки томонида бир, икки, уч ва ундан кўпроқ қатор қилиб жойлаштирилади. Ушбу экинзорларнинг чет қисми, йўлнинг ҳаракатланиш қисми олдида яшил тўсиқлар ёки асосан игнабарглилардан ташкил топган дарахт ва буталарнинг гуруҳлари билан тўлдирилиши мумкин.

Шунингдек, йўлак билан уйлар орасида аллея ҳосил қилувчи дарахтлар қаторлаб экилиши мумкин, ҳамда кўчалар йўналишида хиёбончалар барпо этиш мумкин.

Кўчалардаги экинзорларнинг қўшимча тоифаси сифатида: уйлар олдидаги экинзорлар; ҳаракатни бошқарувчи яшил оролчалар; бинолар деворлари ва лоджияларни вертикал равишда кўкаламзорлаштириш қўлланилади.

Йўлнинг транспорт қатнови қисмини бўлувчи йўлак унинг энига қараб кўкаламзорлаштирилади. Йўлакнинг эни 2-3 метр бўлганида газон, ва унда гуллайдиган буталар ва гуллар экилади. 4 метрли йўлакларда газонлар сатҳида энсиз (кичик) шох-шаббали дарахт ва буталарнинг гуруҳли ёки қаторли экинлари тавсия этилади (масалан, виргин арчаси қатори ёки уни шарқ биотаси билан гуруҳлаб). 6 метрли йўлакларда иккинчи ва учинчи тоифа катталиқдаги дарахтлар буталар билан аралаш экилиши мумкин. Бунда шарсимон, шох-шаббали (масалан шарсимон акация) дарахтлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Уйлар олдида алоҳида кичкина даратзорлар ёки очик “ҳовли”лар – курденёрлар кўринишида экинзорлар барпо этилади. Дарахтзорлар атрофига яшил тўсиқлар экилади, ўртасида эса –мевали ёки манзарали дарахтлар, буталар, гуллар ҳамда дарахтларга чирмашиб ўсувчи ўсимликларни экиш тавсия этилади.

Курденёрларда кўп қаторлаб ва гуруҳлаб экилган дарахт, буталар, гуллар, шунингдек, гулли рабаткалар, ток каби чирмовиқлардан фойдаланилади. Боғчалардаги дарахтларни уй деворидан 3-5 метр, буталарни эса – 1,5 м узоқликда экилади. Кўчалардаги дарахтларни асосан газонлар қатлами бўйлаб экиш тавсия этилади

Йўлнинг транспорт ҳаракат қатновига яқин эрида кўп қаторли йўлак барпо этишда дарахт ва буталарнинг гуруҳли экинзорлари қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда гуруҳли дарахт экинзорлари бўлган газон кенглиги 4,5-6 метрдан кам бўлмаслиги лозим.

Транспорт қатнови жадал бўладиган магистрал кўчаларда пиёдаларни чангдан ва чиқит газлардан ҳимоялаш учун ҳаракат қисмининг ҳар иккала томонида икки қатор дарахтлар ҳамда буталардан яшил тўсиқлар экиш мақсадга мувофиқ. Яшил тўсиқларни, шунингдек, уйлар олдидаги дарахтзорларнинг ташқи қисмида экишга тавсия этилади.

Агарда чорраҳалардаги транспорти қатнови айлана (доира) бўйича ташкил қилинган бўлса, унда марказида 15-25 м² диаметрга эга бўладиган яшил оролчалар барпо этилади. Ушбу газонли оролчаларда гуллар (атиргуллар), гуллайдиган буталар, кичик дарахтлар, ўцимон ўсимликлар экилади.

Трамвай йўллари иккинчи ва учинчи экин тоифали дарахтлар билан тўсиб қўйиш тавсия этилади.

Кўчаларда дарахтларни экишда водопровод иншоотлари ва бошқа эр ости қурилмалари инобатга олиниши зарур (водопровод тизимидан 2 метрдан кам бўлмаган масофада). Дарахтлар шох-шаббалари трамвай, троллейбус ва бошқа осифлик электр энергияси тармоғига тегмайдиган бўлиши керак.

Кўчалар йўналишига қараб, жазирама ва иссиқдан ҳимоялашга қаратилган яшил экинзорларга талаблар ўзгариб боради.

Кенглик йўналишидаги кўчалар (кўча ўқи ғарбдан шарққа томон, уйлар юза қисми бир томондан шимолга, иккинчи томондан жанубга йўналган) ҳамда узунлик йўналишидаги кўчалар (кўча ўқи шимолдан жанубга қадар, уйлар юзаси шарқдан ғарбга томон йўналган) мавжуд.

Кенглик йўналишидаги кўчаларда (уйлар юзаси шимолга қараган) фақатгина йўлакларда соялатиш зарур бўлади. Агарда уйлар кўп қаватли бўлса, уларнинг сояси йўлакка тушади, шунинг учун экинзорларни сийрак экиш мумкин, бунда архитектура жиҳатдан эътиборга лойиқ бинолар тўсилмайди. Қарама-қарши томонда кўчанинг фақат йўлак қисми соялатилади, чунки уйнинг шимол тарафидаги юзаси камроқ қизийди (шарқ ва ғарбга йўналтирилган уй юзасига нисбатан), шу сабабли, уларни соялатиш зарурати қолмайди. Кенглик йўналишидаги кўчаларда йўлакнинг икки томонига, ёки йўлак билан йўлнинг ҳаракатланиш қисми орасига ўртача баландликдаги дарахтлар экилади.

Узунлик йўналишидаги кўчаларда йўлаклар ва биноларни соялатиш учун баланд ўсувчи дарахтлардан фойдаланилади; улар йўлак билан йўл ҳаракатланиш қисми орасида жойлашади; имконият бўлган ҳолларда эса (агар йўлак бино ва уйларга яқин туташмаган бўлса) – йўлакнинг иккала томонига дарахтлар экилади (бу ҳолда аллея вужудга келади). экинзорлар уйлар олдидаги дарахтлар билан тўлдирилади: улар биноларни тўсиб, уй ичидаги ҳаво ҳарорати режимини яхшилайти, ҳамда шовқинни камаййтириш вазифасини ўтайди.

Кўчаларни кўкаламзорлаштиришда иккита ходиса кузатилади:

1) лойиха бўйича янги, кўкаламзорлаштирилмаган кўчалар ободонлаштирилади; 2) кўчаларда экинлар мавжуд, лекин улар эскирган, қариган, касал ёки манзарабоплик хусусияти кам бўлиб, янгидан реконструкциялашга мойил.

Реконструкция қилишда дарахтзорларни бутунлигича ва қисман ўзгартириш мумкин. Бутунлигича ўзгартиришда учта вариант мавжуд: а) кўчалардаги дарахтларнинг барчаси кесиб ташланади ва янги дарахтлар экилади; б) 2-3 та дарахт оралатиб эски дарахтлар ўрнига янгилари экилади; в) ҳар 50-100 метрда экинзорлар кесилиб, янгилари билан алмаштирилади. Қисман ўзгартиришда фақат ёш экинлар ёки манзарали бўлган улкан ёшдаги бир нечта дарахтлар қолдирилади.

Тошкент шаҳри кўчаларининг кўкаламзорлаштириш услублари турлича. Кичик, тор кўчаларда асосан дарахтлар асосан икки қатор қилиб экилган. Кенг кўчаларда кўпроқ кўп қаторли дарахтзорлар бўлиб, йўлакнинг бир ёки икки томонини эгаллаган. Йўлнинг транспорт ҳаракатланиш қисми бўлиш йўлакчаларидаги экинзорлар, жамоат бинолари олдидаги гуллар билан безатиш услублари, уйлар атрофидаги боғчалар ва курденерлар, йўллар четидаги гуруҳлаб экилган буталар, бино ва уйлар олдидаги яшил тўсиқлар шулар жумласидандир.

Дарахт ва буталар турлари ранг-барангдир. Қимматли турлар ёрдамида кўкаламзорлаштирилган кўчалар мавжуд. Масалан: шарқ чинори, ёзги эман, кумушбаргли ва дала заранги, япон сафораси, канада багрянниги, каштан ва бошқалар.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ЯШАШ ЖОЙЛАРИНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ

Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш шаҳарларни кўкаламзорлаштиришга ўхшаш бўлса-да, қишлоқ жойининг режаси билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эга.

Қишлоқ аҳоли яшаш жойлари қуйидагиларга ажратилади: 1) аҳоли ҳудуди – турар уй жой бинолари, маданий-маиший ва жамоат бинолари; саноат ҳудуди – чорвачилик ва паррандачилик фермалари, омборхоналар, устахоналар ва бошқалар; 2) ташқи ҳудуд – мевали боғлар, томорқалар, сабзаёт боғчалари, қишлоқ атрофидаги кичик ўрмон ёки ўрмон парки кўринишидаги ҳимоя ҳудуди ва бошқалар. Аҳоли яшаш пункти билан хўжалик – ишлаб чиқариш иншоотлари орасида 30 метрдан 300 метргача кенгликда ҳимоя экинзорлари барпо этилади.

Томорқа ҳудудининг асосий таркибий қисми – ховли-жой майдони бўлиб, у ерда уй, омборхона, парранда ва ҳайвонлар учун кўчалар, асалари уялари, парниклар, уй олдидаги тўсиқли кичкина мевали боғ, томорқа, газонлар, гулзорлар жойлаштирилади.

Уйлар олдидаги тўсиқли боғчалар бир нечта уйлар қаторида жойлашиб, кўча кўкаламзорлаштириш мажмуасига киради. Улар турар уй жой биносини пиёдалар йўлакчаси ва транспорт воситаларидан ажратиб туради. Ушбу дарахтзорлар 4-6 метр кенгликда барпо этилади; улар яшил тўсиқлар билан ўралади; мевали дарахтлар, буталар, гуллар, тоқлар, чирмашиб ўсувчи

Ўсимликлардан ташкил этилади. Бир неча уйлар буталар ва гуллар экилган газонлар билан ўзаро ажратилиши мумкин.

Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, уйлар орасида очик жойлар бўлиб, уларда газон (чимзор) устига манзарабоп экинзорлар жойлаштирилади ва бу ер транспорт ҳаракатланишидан ҳоли бўлади.

Ишлаб чиқариш комплекси ҳудудлари яшил тўсиклар билан ўралади. Ҳудуд ичкарасида дарахтлар, буталар ҳамда очик жойларда газонлар экилади. Айниқса, чорвачилик фермалари ҳудудини кўкаламзорлаштиришни синчиклаб ташкил этиш зарур. Кўкаламзорлаштиришнинг асосий тартиботи шундаки, ферма чегараси бўйлаб ҳимоя экинзорлари яратилади, шунингдек, ҳудуд ичидаги бино ва иншоотларни ўзаро ажратиш учун яшил экинзорлар экилади. Масалан, чорва чиқитлари (гўнг) сақланадиган иншоот атрофи қалин дарахт экинзори билан ўралади (дарахтлар оралиғи 1,5-2 метр).

Шунингдек, дала шийпонлари ҳам кўкаламзорлаштирилиши керак. Буларда тоқзорлар, гулзорлар, ҳовузлар олдида алоҳида манзарали дарахтлар ёки манзарали ўсимликлардан қаторли ва гуруҳли экинзорлар барпо этиш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ аҳоли яшаш пунктларида девор ёқалаб кўкаламзорлаштириш, яъни айвончаларга чирмашиб ўсадиган экинлар билан безатиш; кичик архитектура шаклларида фойдаланиш: посёлкага кириш жойида аркалар, ҳайкалтарошлик намуналари, вазалар, айвончалар ва киоскалар қуриш тавсия этилади.

Аҳоли яшаш ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда, шаҳар шароитида қандай тартибда иш олиб бориладиган бўлса, қишлоқ аҳолисининг яшаш ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда ҳам худди шундай ташкилий ишлар олиб борилади. Фақат қишлоқ ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда унинг ўзига хос хусусиятлари бор. бу эса ҳудуддаги ер релефининг тузилишига ва мавжуд ўсимлик дунёсининг турларига боғлиқ ҳолда бажарилади. Қишлоқ жойларида унинг ҳудуди қуйидагича паст-баланд ҳудудларга ажратилади:

1. селитибли (одамлар кўпроқ ҳаракатланадиган) ҳудудлар – булар аҳоли яшайдиган уй-жойлар, ҳовлилар, ровотлар, жамоа ва маишиймаданий иморатлар; саноат учун ажратилган чорвачилик ва паррандачилик фермалари, маҳсулот сақлаш базалари ва бошқалар.

Ушбу ҳудудни кўкаламзорлаштиришда аҳоли яшаш ҳудудлари билан чорвачилик фермалари мавжуд ҳудудлар алоҳида ажратилган ҳолда ўзига хос бўлган узоқ яшовчи, маҳаллий шароитга мос дарахт ва бута турлари билан яшил ихотазорлар ташкил этиб борилади. бунда дарахт турларидан ҳимоя тўсиклари қилишда биринчи қаторда йирик дарахтлар, иккинчи қаторда биринчисига нисбатан озроқ паст бўйли дарахтлар ва кейинги қаторда бутасимонлар жойлаштирилиб борилади. масалан: терак туркуми, қайрағоч туркуми, тикансимон глидечия, оқ акас, дала заранги, шарқ чинори, жийда туркуми, шарқ биотаси; сой бўйларида оқ ва қора толлар, тераклар туркуми; айлант ва жарликлар бўйлаб: айлант, дала заранги, қизил ва сариқ дўлана, писта ва бошқа маҳаллий шароитга мос бўлган турлар жойлаштирилади.

Тўғридан тўғри аҳоли яшайдиган уйлар атрофида унчалик йирик бўлмаган манзарали дарахт ва бута турларидан гуруҳ ҳолида ёки дарахт, буталар қаторга олиб жойлаштириб борилади. уйлар баъзан сўрига олинган тоқлар билан ўраб олиниб, доим яшил жонли деворлар ташкил этилади. ховлиларга кираверишда унчалик йирик бўлмаган рабаткалар ёки чирмовиқли гул ўсимликларидан манзарали кўринишлар ташкил қилинади.

2. Қишлоқ ҳудудидаги ташқи зона – бу асосан мевали боғлар, томорқалар, қишлоқ уйлари атрофидаги ихота дарахтзорлари. бунда турар жойлар ва хўжалиқдаги мавжуд ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари оралиғидаги ихота қаторининг эни 30 м дан 300 м гача бўлиши керак.

Қишлоққа кираверишдаги автомобил йўлининг икки томонида маҳаллий терак туркумидан ажойиб кўринишдаги ихота қатори ташкил этилади. Чунки, мирзатерак автомобилдан чиқадиган захарли газларга чидамли бўлади. масалан, японияда автомобиллар ҳаракатланаётган йўллар атрофида мирзатераклардан ҳимоя дарахтзорлари ташкил этилган.

Қишлоқ ҳудудларидаги мавжуд бўлган ҳар хил турдаги ёдгорликлар, ҳайкаллар, ровотлар ва монументлар атрофида маҳаллий шар оитга чидамли бўлган япроқ ва нинабаргли дарахт, бута турларидан яшил ҳудудлар шунингдек, ҳар хил турдаги бир, икки ва кўп йиллик гул турларидан клумбалар, гулзорлар барпо қилинади.

Бунда япроқ баргли дарахтлардан: терак туркуми, япон сафораси, оқ акас, садақайрағоч, дала заранги, сув бўйларида мажнунтол, қора тол; нинабаргли шарқ биотаси, виргин арчаси; жанубий ҳудудларда элдор қарағайи; чорва комплекслари билан чегарадош ҳудудларда жийда туркуми, тикансимон гледичия, майда баргли қайрағоч ва бошқалар экиб, ўз кўркига эга бўлган композициялар ташкил этилади. Қишлоқ ҳудудларида бугун фаолият кўрсатаётган фермерлар ва деҳқон хўжалиқлари дала шийпонларига кираверишда йўлнинг ҳар икки томонини маҳаллий шароитга мос бўлган манзарали дарахт ва бута турларидан ихота қаторлари ташкил этилади. Чунки, қишлоқ ҳудудларида ишлаб чиқариш саноат корхоналари бўлмаганлигидан бу жойларда қимматбаҳо дарахт кўчатларини (кумуш ранг баргли ёки ҳаво ранг баргли қарағай) экишга шароит бўлмайди.

ШАҲАР АТРОФЛАРИНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ

Ушбу кўкаламзорлаштириш тоифаси шаҳарни шамоллардан, қум ва қор кўчкиларидан ҳимоя қилиш, янада яхши иқлим шароитларини яратиш, шунингдек, шаҳар атрофидаги дам олиш ҳудуди сифатида фойдаланиш мақсадида ташкил этилади. Муҳофазалаш мақсадида яшил ҳудуднинг режалаштирилиши қуйидаги ҳолларда бўлиши мумкин: кўп қаторли ўрмон йўллари, кичкина ўрмонлар, ўрмон парки, боғ ва тоқзорлар кўринишида.

Ноқулай иқлим ва санитар –гигиеник шароитларида яшил экинзорни кўп қаторли қилиб барпо этиш, ундан дам олиш учун фойдаланилганда эса- парк экинзорлар ва кичик ўрмонлар ташкил этилади. Узумзорлар аҳоли яшаш жойларини ҳимоялаш вазифасини бажаради ва фойдали ҳамдир. Ҳимоя ҳудуди табиий ўрмон негизида ҳам, сунъий экинзорлар барпо этиб ҳам ташкил қилинади.

Тошкент шаҳри атрофининг яшил ҳудуди бўлиб, дендропарк, манзарали боғдорчилик хўжалиги, мевали боғ ва узумзорлар, Тошкент ўрмон хўжалиги экинзорлари ҳизмат қилади.

ВЕРТИКАЛ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ

Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда чирмашиб ўсадиган ўсимликлар алоҳида аҳамият касб этади.

Айниқса янги қурилган биноларда буларнинг аҳамияти бекиёс, чунки янги экилган дарахт ва буталар ҳали яхши ўсиб, ривожланмаган бўлади. Қурилишлар ниҳоясига етказилган даврда, чирмашиб ўсадиган ўсимликлардан яшил манзара ҳосил қилиши учун фойдаланиш кўкаламзорлаштиришнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Тўсиқ деворларини ҳамда уйларнинг деворлари ва балконларни уйғунлашган вертикал кўкаламзорлаштириш уй-жойларга чирой ва хушманзара бағишлайди.

Чирмашиб ўсадиган ўсимликлар биноларга кириш жойларини безаб, уларни манзарали ва қулай қилиб кўрсатади.

Бино деворларини, бурчакларини вертикал кўкаламзорлаштиришда яшил ўсимликлардан усталик билан фойдаланилганда, уларнинг архитектура кўриниши янада кўркам бўлади.

Биноларнинг кўримсиз бўлган ёнбош қисмларини беркитишда ҳам чирмашувчи ўсимликлар катта аҳамият касб этади.

Аммо, ўсимликларнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши, бино архитектура қисмларини ёпиб қўйиши мумкин. Яшил ўсимликлар ғишт, керамика фактурасини ёпиб қўймаслиги керак. Фақатгина юқори куёш радиацияси тушадиган жойлардагина бинолар деворларини яшил чирмашувчи ўсимликлар билан бутунлай беркитиш мумкин. Бундай усул аксарият ҳолда касалхона ва санаторийларда қўлланилади.

Чирмашувчи ўсимликлар кичик ва катта айвончаларни безатишда кўпроқ ишлатилади.

“Қарама-қарши кўкаламзорлаштириш” услуби ҳам борки, бунда пастдан юқорига чирмашиб ўсаётган ўсимликлар рўпарасидан тепадан ампел деб номланган, яъни юқоридан пастга тушаётган яшил ўсимликлар ўстирилади. Улар карниз тагида маҳкамлаб жойлаштирилган яшикчалардан ўсиб чиқади. Ушбу услуб кўп қаватли биноларни вертикал кўкаламзорлаштиришда қўлланилади, бу ҳолда яшил ўсимликлар бинолар карнизлари остида ва баландликда жойлаштириш мумкин.

Ҳиёбон ва истироҳат боғларида, шунингдек, катта турар жой биноларида чирмашувчи ўсимликлардан боғ айвончаларини безатишда, ҳамда яшил галереялар ва тонеллар барпо этишда қўлланилади. Бу ўсимликлар учун ҳар хил маҳсус тирговучлар ясалади. Кўпинча бу тирговучлар ўзаро боғланган ёғоч рейкалар, сим ёки шпагатдан иборат бўлади.

Вертикал кўкаламзорлаштиришда қуйидаги ўсимликлардан фойдаланилади: ҳар хил навдаги ёввойи узум (тоқлар), амур тоқи, “обвойник”, ломонос, жимолост-капривол, актинидия, кирказон (аристолохия), плюш, лимонник ва бошқалар; балкон ва айвончаларни кўкаламзорлаштиришда,

шунингдек, бир йиллик, чирмашиб ўсувчи ўсимликлар: настурция, ипомея, япон хмели, томошақовоқ ёки идишқовоқ (лагенария), хушбўй нўхат ва ловия. Аммо ушбу ўсимликларнинг тўлиқ манзарали кўриниши ёзнинг ўрталарида ёки кузда намоён бўлади.

Айвончалар ва перголаларни кўкаламзорлаштириш учун куйидаги ўсимликлардан фойдаланиш тавсия этилади: ёғоч пояллардан – ток (узум), луносемянник, ломонос (клематис), жимолост-каприфол, аристолохия, чирмашувчи атиргуллар ва чирмашувчи гортензия; ўтсимонлардан – хмел, гладианта, бриония; бир йилликлардан – ипомея, турк дуккаклари, хушбўй нўхат.

Аксарият чирмашувчи ўсимликларга махсус тирговуч қурилмалар керак бўлса, айримларида: плюш, ломонос ва бошқаларда бино деворларига ўралиб ўсадиган мосламалари мавжуд.

Лойиҳалашда энг олдин жойнинг ўлчамлари ва конфигурацияси аниқланади. Бунинг утун бурчакли асбоблар ва ўлчов лентаси ёрдамида ер майдони ўлчанади. Ер режаси керакли масштабда қоғозга кўчирилади. Сўнгра шу жойдаги барча коммуникацион линиялар (иситиш, канализация, электр ва бошқа тармоқлар) белгиланади. Режада кўкаламзорлаштириш майдонидаги барча объектларни ҳамда у ёки бу гул экинлари экиш мўлжалланган келгуси объектдаги йўл ва йўлакларнинг йўналишини аниқловчи барча бандларни белгияш зарурдир.

Амалиётда кўкаламзорлаштириш объектининг қуйидаги ўрганиш усули ишлатилади. Кўкаламзорлаштириш учун ажратилган жойни тайёрлайдилар, режалаштирадилар, ўғит соладилар, хайдайдилар, бороналайдилар ва кўп йиллик бошоқли ўтлар сепилади. Утлар яхши ўсиб, ўрганилгандан сўнг, устидан юришга рухсат этилади. Босилган йўлчалар келгусида ҳам йўллар тармоғи, йўлчалар, гулли безашнинг майдончалари ва элементлари (клуббалар, рабаткалар ва ҳ. к.) ни лойиҳалаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Даҳа ва мавзелар ичини кўкаламзорлаштиришда ва боғлар ташкил қилишда, тинч дам олиш жойларини, кумдонларни, арғамчиларни, зинаиояларни ва ҳоказоларни жойлаштиришни кўзда тутиш керак. Идоралар ва бошқа маъмурий бинолар олдида машиналар, мотоцикллар, отлар учун туриш жой, эълонлар, рўзнома ва ҳурмат тахталари учуп майдончалар ажратилади-

Лойиҳалашда гиламли клуббалар, рабаткалар ва ҳоказоларнинг мураккаб расмларидан фойдаланмаслик керак. Ҳозирги вақтда чиройли, оддий ва аниқ компог.ицияларга талаб ортмоқда.

Гулзорлар учун қуёш тушадиган очик жойлар ажратилади. Жойнинг шимолий ва ғарбий чегараларида дарахт ва буталардан химоя чизиги тортилади. Бундай чизикларни кўчалар, йўллар билан чегараланган томонларга тортиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса чанг ва ортикча шовқиндан сақлайди. Агар зарурат бўлса, ўтиб бўлмас жонли деворлар яратиш лойиҳалаштприлади. Агар лойиҳаланаётган объектга қишда ҳам кишилар келиб турсалар ва фойдалансалар, у ҳолда баргли ўсимликлардан ташқари игнабарглиларни ҳам экиш мумкин. Шундан сўнг безатишнинг бошқа

элементларини-гулли экинлар, кичик меъёрий шаклларни режалаштиришга киришилади.

Спецификация (ассортимент танланади, объектда ишлатилувчи ўсимликлар сони ҳисобланади, уларнинг алмашиши, уругликнинг керакли миқдори ва ҳ. к. лар) ишлаб чиқарилади. Жойлар, йўллар, клумбаларнинг чегаралари аниқлангандан сўнг, дпрахтлар, буталар, ўсимликлар экилишини ҳисобга олгак ҳолда, гулзорнинг нусха лойиҳаси тузиладн. У кўпинча 1:10 масштабда бажариладп, лекин бошқа нисбатларни, яъни кўкаламзорлаштириш объектн тўғрисида яхши тасаввур уйғотувчи нисбатларни ишлатиш мумкин.

Гулзорлар ташкил қилишда қуйидаги қоидалардан фойдаланиш тавсия қилинади:

1. Гулзор клумбанинг ўрта, марказий қисми энг ёрқин, диққатни жалб қилувчи бўлиши керак. У ҳавза, ҳайкал ёнида ёки ўзича мустақил объект бўлиши мумкин.

2. Гулзордаги гул шакллари майда бўлмаслиги керак, акс ҳолда у хунук кўриниши мумкин. Оддий чизикли йирик шакл ҳосил қилиниши маъқулроқдир.

3. Гулли шакллар камроқ ва маълум масофаларда газон (майсазорлар) билан ажратилган бўлиши керак.

Нусха лойиҳасини тузиш ва тасдиқланиш декабр ойининг охири январ. ойининг бошидан кечиктирмаслик керак, чунки кўкаламзорлаштириш учун керакли ўсимлик кўчатларини етиштириш бўйича ишлаб чиқариш топшириғини олдиндан бериш лозим. Шундан сўнг экишнинг ишчи чизмаси масштабда, бўёқсиз бажарилади, бунда йўлларнинг эни, клумбаларнинг диаметри, рабаткалар эни ва узунлиги, экиш учун ўсимликлар ва жўяклар орасидаги масофа кўрсатилади. Экиш чизмаси лойиҳани амалда бажариш расмлар, рабаткаларнинг режаси тузилади-

Кўкаламзорлаштириш объектида биринчи навбатда турли коммуникациои йўллар (водопровод, электропроводка ва ҳ. к.) ўтказилади. Шундан сўнг дарахт-ва буталар экилади, йўл тармоғи, турли майдончалар қурилади, майсазорлар ва гулли безатишнинг турли кўринишлари учун ”озуқали тупроқ солинади, майдон режалаштирилади, майсалар аралашмаси экилади ва охириги навбатда гулли ўсимликлар экилади ва уруғлари сепилади.